Халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгашининг

К А Р О Р И

140600 Зиёвуддин шаҳарчаси, Истиклол кўчаси 58-уй, Тел: (8-366)403-13-61 Факс (8-366)231-98-60

2020 у.г 29 июль № 53/14 Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

Тумандаги айрим номсиз кўчаларга ном бериш тўғрисида

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига мувофик географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳакида»ги 295-сон карори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда)га асосан тўпланган ҳужжатларни кўриб чикиб, "Географик объектларга ном бериш ва уларни кайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давергеодезкадастр кўмитаси эксперт комиссиясининг йиғилиш баёни"га мувофик тумандаги аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш максадида, халқ депутатлари туман Кенгаши

К А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг тумандаги айрим номсиз кўчаларга ном бериш бўйича "Географик объектларни номлаш ва кайта номлаш бўйича туман комиссияси" киритган таклифлари "Географик объектга ном бериш ёки уни кайта номлаш тўғрисидаги таклифларнинг конун ҳужжатларига мувофиклиги ҳакида"ги эксперт хулосасига мувофик маъқуллансин.

2. Тумандаги айрим номсиз кўчаларга берилган номлар рўйхати иловага мувофик тасдиклансин.

3. Туман статистика бўлими (С.Туропов) ҳамда тегишли мутасадди давлат органлари амалдаги тартибда ном берилган кўчалар номларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлик барча тадбирларни амалга оширсин.

4. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва Ободонлаштириш бошкармаси билан ҳамкорликда

ҳудудларидаги ном берилган кўчаларга уларнинг номлари қайд этилган металл кўрсатгичлар ўрнатиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, географик объектларнинг номларини белгилаш, мақбуллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек уларнинг расмий каталоглари ва маълумотномаларини тайёрлаш хамда нашр этиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур карор "Пахтачи" газетасида расмий эълон қилинсин, расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайти (http://paxtachi.uz)га жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Г.Бобоназарова) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **М.Хамдамов**